

# **БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРЪ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

**Саримсакова Дилафруз Муҳаммадҷоновна,  
Наманган давлат университети таянч докторанти**

***Аннотация:** Бугунги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг билим даражаси С1 даражасига жавоб бериши назарда тутилган ҳолда уларнинг педагогик компетентлиги ва креативлигини шакллантиришига инновацион ёндашиш, замонавий ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиш устувор вазифалардан бири бўлмоқда.*

***Калит сўзлар:** бўлажак инглиз тили ўқитувчиси, социолингвистик компетентлик, мустақил таълимнинг замонавий усуллари*

## **Кириш**

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларида замонавий таълим тизими сифатига кўйилган талабларнинг ортиб бориши натижасида республикаимизда халқаро малака талабларига мос юксак билимли, интеллектуал ривожланган, рақобатдош педагог-кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш йўналишидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1875 сонли қарори мамлакатимизда чет тилларини замон талабларига мос яъни эркин сўзлаша оладиган, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан ва дунё ахборот ресурсларидан самарали фойдалана оладиган, халқаро ҳамкорликни амалга оширишда юксак коммуникатив компетентликга эга етук баркамол кадрларни тайёрлаш учун туб бурилиш ясади.

## **Асосий қисм**

Чет тилларни ўқитиш бўйича узлуксиз таълим тизими учун давлат стандартлари CEFR талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди, таълимнинг барча босқич битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгиланди. Унга кўра “мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш”<sup>1</sup>, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”<sup>2</sup>, каби муҳим вазифалар белгиланган. Шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли, 2017 йил 11 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори 610 сонли “таълим муассасаларида чет тиллар ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23-сентябрдаги янги таҳрирдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сонли Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, ушбу концепцияга кўра 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг 85% ОТМ лари ECTS кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтиши режалаштирилган бўлиб, 2020-2021 ўқув йилида 33 дан ортиқ ОТМларида кредит-модул тизими жорий қилинди. Шунингдек, 2021 йил 6-январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халқимизга қилган Мурожаатномасида 2021 йилда чет тиллари фанларини ўқитиш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Мазкур

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/> президентимиз - ис - о - кхон - т - ра - ибрат - мазҳм. мурожаат санаси: 26.11.2018 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4947 -сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

қарорлар мамлакатимизда чет тиллари шу жумладан, инглиз тилини ўқитиш тизимини модернизация қилиш жараёнида ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

Хусусан, чет тилларини асосан инглиз тили таълим тизимининг барча босқичларида узлуксиз ва мукамал ўрганишни такомиллаштиришда яъни: умумий ўрта таълим мактабларининг 1-11 синфларида, барча олий ўқув юртлиларида техник ва халқаро мутахассисликлар буйича айрим махсус фанларни чет тилларда ўқитиши, ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва янги давлат таълим стандартлари асосида, замонавий инновацион ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари, ўқув дастурлари ва режалари, инновацион дарсликлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилмоқда. Шунингдек, инглиз тилида бадиий адабиётлар, телекурсатувлар, газета ва электрон журналлар мунтазам чоп этилмоқда ва барча таълим босқичларида масофавий таълим жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, янги замонавий талаблар асосида педагогик, креативли, юксак социолингвистик компетентли педагог кадрларни тайёрлашнинг комплекс тизими яратилди. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг билим даражаси С1 даражасига жавоб бериши назарда тутилган ҳолда уларнинг педагогик компетентлиги ва креативлигини шакллантиришга инновацион ёндашиш, замонавий ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиш устувор вазифалардан бири бўлмоқда. Биз олиб борган тадқиқотнинг мақсади ҳам бўлажак инглиз тили ўқитувчиларни самарали мулоқотга тайёрлаш, ўз устида мустақил ишлаш, электрон таълим турларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиши, ўз-ўзини мустақил таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган социолингвистик компетентлигини мустақил таълимнинг замонавий усуллари орқали ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга инновацион ёндашишнинг мазмуни, шакл ва методларини аниқлаш ва тажриба-синов ишлари орқали уларни амалиётга кенг татбиқ этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732 сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида олий таълим муассасалари кадрларининг глобал интернет тармоғи, мултимедиа ресурслари, электрон таълим турларидан ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, инновацион педагогик технологияларни ўқув жараёнида кенг фойдаланиш, чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш, ўз касбий маҳоратини, педагогик ва илмий фаолиятини мунтазам ошириб бориш муҳим вазифа сифатида белгиланган”<sup>3</sup> бўлиб, мазкур қарорлар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенлигини шакллантириш мезонларини белгилайди. Жумладан:

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаган бўлиши, инновацион метод ва воситаларини ўқув жараёнида қўллаш олиши;
- Интернет сайтларидан ўз соҳасига оид материалларни танлаб олиш ва таҳлил қила олиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, илгор таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш йулларини белгилаш;
- ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, анъанавий бўлмаган ўқув машғулотларини ўтказиши;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 242-сонли Қарори

ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаши ва расмийлаштириши;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотлар ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши;

- Узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлиши керак<sup>4</sup>.

Шунингдек, олий ва умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълими тизимининг таълим муассасаларида фаолият юритадиган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенлигини шакллантириш мезонларини ҳам белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан:

- мафкуравий иммунитетни сақлаш ва унга салбий таъсир қилувчи йўналишларни бартараф этиш;

- Шарқ ва Ғарб цивилизацияси умуминсоний қадриятлари мезонларини тўғри англаши ва амалий фаолиятда қўллаш олиш;

- маданиятлараро мулоқотда модератор вазифасини бажариш;

- “тил-маданият-мулоқот” алоқаларини амалга ошириш;

- глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни тарғиб қилиш;

- миллатлараро маданий алоқалар ривожига ҳисса қўшиш;

- замонавий тенденцияларни тизимли ўрганиш, уларнинг ўзгаришини башорат қилиш ва унда Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрни ва ролини тушуниш;

- маданиятлараро мулоқотнинг турли жабҳаларида коммуникатив компетенция, стратегия ва усулларини қўллаш олиш;

- лисоний, лингвомадаий, адекватликни ва коммуникатив мақсадни

---

<sup>4</sup> Олий таълимнинг давлат таълим стандарти, ЎзДСТ 36.2017:2016 15 бет

инобатга олган ҳолда мулоқот олиб бориш;

- ҳукумат тадбирлари, расмий йиғинлар, учрашувлар ва сайёҳлик соҳасида хорижий хамкорлар билан чет тилида мулоқот қилиш куникма ва малакаларга эга бўлиши синхрон таржима ишларини амалга ошира олиш қобилиятига эга бўлиши керак;<sup>5</sup>

### **Хулоса**

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив компетентлигини шакллантиришда социолингвистик компетентликнинг аҳамияти катта. Коммуникатив компетенция лингвистик, социолингвистик, прагматик ва стратегик компетенциялар негизда шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, ҳозирги давр талаблари асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигинини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш муҳим педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Електрон ресурс: [http:// www.uza.uz](http://www.uza.uz) / президентимиз - ис - о - кхон - т - ра - ибрат - мазҳм. мурожаат санаси: 26.11.2018 й
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4947 -сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 242-сонли Қарори
4. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти, ЎзДСТ 36.2017:2016 15 бет
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

---

<sup>5</sup> Олий таълимнинг давлат таълим стандарти, ЎзДСТ 36.2017:2016 14-15 бетлар

2009 йил 14 августда “Талаба мустақил ишини ташкил этиш”  
тўғрисидаги № 286-сонли буйруғи

6. Воҳид Ўринов, Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар кўлланмаси, 2020 12-бет
7. Sarimsakova, D. (2020), Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolinguistik kompetentligini rivojlantirishda masofaviy ta'lim shakllaridan foydalanishning ahamiyati// NamDU ilmiy axborotnomasi, 10-son 408-412 betlar
8. Sarimsakova, D. (2021). DEVELOPING THE SOCIOLOGICAL COMPETENCE OF FUTURE ENGLISH TEACHERS THROUGH THE USE OF CASE STUDIES. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2021(2), 54-65.